Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

10 август, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 153 (1155)

# ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАСИ ЭШИК ҚОҚАР УШБУ ДАМ, МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА ВАТАНИМ СОБИТҚАДАМ!

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

*9 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцариянинг ташқи ишлар бўйича федерал департаменти раҳбари Флавио Котти билан учрашди.*

Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пауль Випфли иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА МУЛОҚОТ

*8 август куни Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Швейцариянинг ташқи ишлар бўйича федерал департаменти раҳбари Флавио Котти билан учрашди.*

Учрашувда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пауль Випфли иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Швейцария ташқи ишлар федерал департаментининг раҳбари жаноб Флавио Котти 9 август куни Тошкентдан Самарқанд зиёратига жўнаб кетди.*

Жаноб Флавио Котти сафар ниҳоясида журналистларга Тошкентда ўтган мулоқотлар натижасидан мамнун эканини айтди. У Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга юқори баҳо берди.

— Ўзбекистонда биринчи бор бўлишимга қарамай, мен бу ерда демократик ва ҳуқуқий жамият қурилаётганининг гувоҳи бўлдим, — деди Ф. Котти жумладан. — Мустақилликнинг тўрт йили ичида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Биз Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари билан ўзаро мулоқотларда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида Ўзбекистон ва Швейцария ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдик. Чунки Швейцария конфедерацияси 1996 йилда ушбу халқаро ташкилотга раҳбарлик қилади. Ана шуларни эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўта муҳимдир.

**(ЎзА).**

***Арнасой туманидаги «Хоразм», «Самарқанд» деҳқон-ширкат уюшмалари жамоаси бу йил ғаллазорлардан мўл ҳосил кўтардилар. Режадан ортиғининг бир қисмини аҳолига тарқатишди. Умумий ҳосилдан боқувчисиз, камхарж оила ва ногиронларга 200 килограммдан дон бепул берилди.***

***СУРАТДА: «Самарқанд» хўжалиги раҳбари Холмирза Холбеков.***



**К. ЎЛМАСОВ**
**олган сурат.**

• *«Халқ сўзи»нинг байрамолди анкетаси*

## ОЛДИМИЗДА ЯНАДА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ

*1. Сиз ва жамоангиз истиқлол байрамини қандай кутиб оляпсиз?*
*2. Мустақилликнинг тўрт йили мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни таъкидлашни истардингиз?*
*3. Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни муваффақиятли якунлаш учун бундан буён нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?*

**Зуҳриддин БЕКМИРЗАЕВ,**
**Куйганёр темир-бетон буюмлари заводи директори:**

1. Ҳар бир байрамнинг ўзгача шукуҳи, ўз қадри-қиммати бўлади. Мустақиллик шодиёнаси халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёби эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боисдан ҳам жамоамиз ушбу қутлуғ кунни ғоят интиқлик билан кутяпти. Корхонамизда 10 дан зиёд турдаги бетон буюмлари ишлаб чиқарилади. Бетон ариқлар, йўлакларбоп, деворбоп, томбоп плиталар, ғишт, ҳар хил шаклдаги маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўлаётир. Шу тариқа йилнинг ўтган 6 ойида 3 миллион 900 минг сўмлик ўрнига 10 миллион 536 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

2. Ўтган тўрт йил ичида тасаввур қилиб бўлмайдиган янгиланишлар бўлди. Дунё харитасида Ўзбекистон бутун бўй-басти билан кўзга ташлана бошлади. Юртимиздаги осойишталик, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан давом этаётганлиги ва халқимизнинг фаоллигини кўрган хорижликлар ҳеч иккиланмай мамлакатимизга сармояларини олиб киришмоқда. Биргина мисол: вилоятимизда 47 та чет эл фирма ва компаниялари иштирокида қўшма корхоналар тузилди. Улар орасида «ЎзДЭУавто» мустақиллик меваси сифатида нишона бераётир.

Мулкчилик шакли ўзгаряпти. Кечагина қадами ўлчоғлик кишилар мулкдорларга айланди. Улар онгида ҳақиқий соҳибкорлик туйғуси пайдо бўлди. Умуман, бозор муносабатларини тарихий воқеаларнинг бош омили, десам муболаға бўлмас. Чунки у иқтисодий эркинликка, эркин тадбиркорликка, хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, инсоннинг моддий манфаатдорлигини ошириш, фаровон ҳаёт яратишнинг оқилона йўлидир.

3. Ҳамма гап аҳиллик ва бирликда. Ким бўлишимиздан ва қайси соҳада ишлашимиздан қатъий назар, бир ёқадан бош чиқариб, виждонан меҳнат қилишимиз лозим. Жамоамиз йил охиригача яна 10 миллион сўмлик иш бажаришни режалаштирган. Бу кўзда тутилганидан анчагина юқори кўрсаткич. Қолаверса, сув хўжалиги тармоқларида, «ЎзДЭУ авто»да, Андижонда барпо этилган муҳташам теннис кортига сифатли маҳсулот етказиб беришимиз керак. Демоқчиманки, янада самарали ва унумли ишлаш истиқлолимизга хизмат қилади.

Биз иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичини босиб ўтдик. Олдимизда янада залворли юмушлар турибди. Юртбошимизнинг бу борадаги фармонлари долзарб масалаларга ечим бўлиши, шубҳасиз. Уларни ҳаётга татбиқ этишда эса ҳаммамиз бирдай курашайлик.

## ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИГА — ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯЛАРИ

***Иқтидорли ёшлар — юрт келажаги. Мустақил республикамиз ёшлари орасида ана шундай истеъдод соҳиблари кўплаб топилади. Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ ёш созанда жаҳоннинг турли мамлакатларида, жумладан, Франция, Англия, АҚШ, Германия сингари давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этишди. Уларнинг кўпчилиги совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.***

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай истеъдод эгаларига катта умид билан қарамоқда. Уларни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ижрочилик маҳорати билан республикамиз мусиқа санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган икки нафар ёш созанда — Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Даниил Холиқов ва Фарғона вилоятидаги 25-мусиқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Лазиз Зокиров Президент стипендиясига муносиб топилди. Бу мукофот Президентнинг академиклик гонораридан ташкил топган. Юртбоши назарига тушганларнинг биринчиси Буюк Британияда ўтказилган ёш скрипкачилар халқаро танловида мусиқа шайдоларини лол қолдирган бўлса, иккинчиси — Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика халқ чолғу асбоблари ижрочилари кўрик-танловида моҳир ғижжакчи сифатида шуҳрат қозонган.

9 август куни Президент девонида ана шу икки ёш созандага Президент стипендиясини топшириш маросими бўлди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар раҳбарлари, ёш санъаткорларнинг устозлари иштирок этди.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев мамлакатимиз раҳбари ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келаётгани тўғрисида гапирди. Республикамизда истеъдодли ёшлар кўплигини, уларни излаб топиш, Президентимиз ташаббусини кенг ёйган ҳолда, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Мукофотланганларга Президент стипендиялари билан бирга қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди.

Тадбирда республика Олий Мажлиси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов иштирок этди.

**(ЎзА).**

• *ЮНИСЕФ — «Экосан»*

## «АСПЕРА» ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

***Халқаро экология ва соғломлаштириш жамғармасининг марказий ўрдасида «Экосан» ва халқаро ЮНИСЕФ болалар жамғармаларининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «АСПЕРА» лойиҳасини тақдим этиш маросими бўлди.***

Лойиҳада Ўзбекистон ҳудудидаги Оролбўйи болалари ва аёлларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилган. Бу ташаббус республика ҳукумати томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва махсус қарор қабул қилинди. Тақдим этиш маросимида вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, республика жамоат ташкилотларининг вакиллари, журналистлар қатнашдилар.

Учрашувни очар экан, «Экосан» жамғармасининг президенти, профессор Юсуфжон Шодиметов «АСПЕРА» лойиҳаси тўрт йилга мўлжалланганлиги ва 3,12 млн. АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатиш кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтди. Лойиҳани яратишда ЮНИСЕФ ва «Экосан» жамғармаларининг етук олимлари ва тадқиқотчилари қатнашганлар. Унинг амал қилиши аёллар ва болалар саломатлигига атроф-муҳитнинг зарарли таъсири олдини олиш, турмуш даражасини яхшилаш ва ўсиб келаётган авлоднинг чинакам камол топишига ёрдам беради.

ЮНИСЕФнинг ҳудудий вакили жаноб Экрем Бирердинч ўз нутқида лойиҳанинг Ўзбекистон ҳукумати томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётгани, Президент Ислом Каримов томонидан бу хайрли тадбирга юксак баҳо берилганлиги «АСПЕРА»нинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи омил эканлигини эътироф этди. Оролбўйи муаммоси фақат шу ҳудуддаги кишиларнинггина эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам жиддий ташвишларидан бўлиб турибди. «АСПЕРА» ана шу муаммоларни ечиш йўлидаги дастлабки қадам бўлиши шубҳасиз. ЮНИСЕФ ўз фаолиятини Ўзбекистондан бошлади, бу эҳтимол, Марказий Осиёнинг бошқа республикалари билан кенг ҳамкорликка йўл очса, ажаб эмас.

Шундан кейин сўзга чиққан республика соғлиқни сақлаш вазири, академик Шавкат Каримов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов «АСПЕРА»нинг кириб келиши мустақил Ўзбекистон ҳаётида салмоқли воқеа эканлигини таъкидладилар. Экология, саломатлик, руҳий ва ахлоқий янгиланиш давлат томонидан ўтказилаётган сиёсатнинг асоси ҳисобланади. Булар барча ташкилотларнинг, ҳар бир фуқаронинг ишидир. Шу нуқтаи назардан ЮНИСЕФ — «Экосан»нинг қўшма лойиҳаси соғлиқни сақлаш ва маориф бўйича давлат дастурининг бир қисми бўлиб қолади. Энди унинг жойларда тўла ва ўз вақтида амал қилишини таъминлаш лозим.

Тақдим қилиш маросимида мамлакат бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар комитетининг раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди. У экология ва инсонпарварлик доирасидаги лойиҳанинг кучга кириши, унинг ҳукумат ва барча манфаатдор идоралар томонидан қўллаб-қувватланиши, халқаро доирада фаол ҳамкорлик оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини тартибга келтириш, республикадаги экологик ва санитария-эпидемиология вазиятини барқарорлаштириш борасида салмоқли натижалар беришига ишонч билдирди.

Шуниси эътиборлики, республика мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида амал қила бошлаган «АСПЕРА» лойиҳаси мўлжалланган хайрли ишларда камарбаста бўлиб, у келажак пойдеворини мустаҳкамлашда сезиларли хизмат қилади.

**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**ўз мухбиримиз.**

• *Кичик бизнес — иқтисодиётнинг устивор йўналиши*

## МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШГА ТАЙЁРМИЗ

*Мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш, ишбилармонларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида Президент фармонлари, қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Шунга қарамасдан айрим тадбиркорларимиз иш фаолиятини бошлаш ва юритишда, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда сотишда бир мунча қийинчиликларга дуч келишмоқда.*



**Бунга сабаб, аввало, уларда тажриба кам. Иккинчидан, тадбиркорнинг қўлида сармояси, аниқ иш режаси, талаб ва эҳтиёжга қараб маҳсулот ишлаб чиқара билиш кўникмаси бўлмоғи лозим.**

**Хўш, республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, мавжуд қийинчиликларга барҳам бериш учун яна қандай тадбирларни амалга ошириш зарур? Биз Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш республика фондининг Тошкент шаҳар бўлими бош директори Мирфаёз Мирсоатов билан учрашиб, у кишидан ушбу саволларга жавоб беришни сўрадик.**

— Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтда бозорларимизнинг тўкинсочинлиги сабаблими ёки ишбилармонларимизнинг талаб ва эҳтиёжни ўрганмай, маҳсулот чиқара бошлаганиданми, ишқилиб, харидор ва шериклар топиб бериш тўғрисида жамғармамизга мурожаат қилаётган тадбиркорлар сони ортиб бораяпти. Ходимларимиз қўллаupdated ридан келганча уларга ҳар томонлама ёрдам беришаяпти. Бундан ташқари, жамғармамиз ўтган ярим йил ичида хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни намойиш қилиш ва шу баҳонада уларнинг ҳамкорликда иш юритишларига шароит яратиш мақсадида икки марта республика савдо кўргазмасини ташкил этдик. Унда юздан зиёд корхона вакиллари қатнашиб, бир-бирлари билан шартномалар имзолашди. Куни кеча эса, бошқармамизга Россия Федерацияси ва Украина фирмаларининг раҳбарлари ташриф буюришиб ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар тузиш истагини билдиришди. Биз бунинг учун уларга етарли шароит яратиб беришга сўз бердик.

Бироқ, фикримча, бу тадбирлар етарли эмас, уларга кўпроқ амалий ёрдам кўрсатишимиз, бозорни ўрганадиган маркетинг хизматини йўлга қўйишимиз лозим. Ана шунда уларга қаерда, қачон, қанақа маҳсулот сотиш тўғрисида аниқ маълумотлар бериб бориш имкони туғилади. Ҳозирча шаҳримизнинг Акмал Икромов, Мирзо Улуғбек туманларида тадбиркорлар ва энди иш бошлаш ниятида юрган ишбилармонлар учун маслаҳат маркази ташкил этдик. Қолган туманларда ҳам тез орада шундай марказлар иш бошлайди. Уларга нафақат иқтисодчи олимлар, балки собиқ корхона раҳбарлари ҳам жалб этилади.

**— Маслаҳат марказининг афзаллиги нимада?**

— Яқинда хизмат юзасидан Англияда бўлганимизда у ерда бу ишлар яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Энг муҳими — ушбу марказда тадбиркорларга қуруқ маслаҳат бериб гина қолмай, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Масалан, тадбиркорнинг ишлаб чиқарган маҳсулотига қайси ҳудудда эҳтиёж катта бўлса, ўша ерда унга фаолият кўрсатишга яқиндан ёрдам берилади. Бошқача айтганда, маркетинг хизмати — бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликнинг асосий қон томири ҳисобланади.

**— Ҳозир бизда бозорни ўрганишга маркетинг мутахассисларининг етишмаётганлиги маълум. Лекин тадбиркорларимизнинг ўзлари ҳам фирма обрў-эътиборини кўтариш учун курашса, маҳсулотларини тарғиб қилиш, маркетинг хизматларини жалб этишга интилса бўлади-ку? Масалан, хорижий ишбилармонлар йиллик даромадининг беш фоизидан зиёдини ана шундай ишларга сарфлашаркан.**

— Гапингиз тўғри. Лекин афсуски, тадбиркорларимизнинг аксарият қисмида «Матбуот орқали элга қанча танилсанг, тафтиш қилувчилар ҳам шунчалик кўпаяди» деган фикр ўрнашиб қолган.

**— Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир?**

— Йўқ, аксинча. Агар тадбиркор бозорни ўрганган ҳолда қанчалик кўп маҳсулот чиқарса, уни тарғиб қилса, ундан ютса, ютадики, асло ютқазмайди. Тафтиш масаласига тўхталадиган бўлсак, менимча, ҳар бир ишбилармон қонун доирасидан чиқиб кетмаса, унинг ишига ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди.

**— Тадбиркорларимизнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш ўрнига савдо-сотиққа зўр беришаяпти. Бунга сиз қандай қарайсиз?**

— Тадбиркор истаган соҳа билан шуғулланиши мумкин. Буни ҳеч қачон чегараламаслик лозим. Устига устак, бизнинг ишбилармонларимиз ҳам анойилардан эмас. Улар бозорда нима тақчил, аҳолининг қандай маҳсулотга талаби ортиб бораяпти? Буларни у жуда яхши билади ва шунга қараб иш тутади. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтсак, Америкада ана шу касб эгалари бозорни маълум бир тартибда сақлаб туради. Яъни, бозорда қайси маҳсулотнинг камлиги сезилса, дунёнинг қай бурчагидан бўлмасин, уни топиб келтиришга ҳаракат қилишади. Ҳатто ҳукумат ҳам уларнинг ана шу хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб боради. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бугунги кунда бозорларимиз ва дўконларимизнинг маҳсулотларга сероблигини таъминлашда қисман бўлса-да тадбиркорларимизнинг ҳиссаси бор. Шундай экан, уларнинг қайси йўналишда иш юритишларини ўзлари, қолаверса, бозор белгилагани маъқул.

**— Мирфаёз ака, хабарингиз бор, кўпгина тадбиркорларимиз давлатдан керакли миқдорда кредит олиб, ишни бошлашга бошлашаяптию, кўп ўтмай йиғиштириб қўйишга тўғри келмоқда. Демак, ҳар ким ҳам тадбиркор бўла олмас экан-да?**

— Ҳақиқатан ҳам орамизда ишни эплай олмай, тадбиркорликдан из ўчираётган кишилар йўқ эмас. Кўриниб турибдики, ҳамма ҳам ишбилармон бўлавермайди. Қолаверса, бу нохуш ҳолатнинг олдини ҳам олиб бўлмайди. Чунки кечагина яхши иш юритаётган тадбиркор орадан кўп вақт ўтмай рақобатга бардош беролмай, бутунлай синиши ҳам мумкин. Бозор иқтисодиётининг шафқатсиз қонуни бу. Шу боис тадбиркор фақат тинимсиз изланса, ақл билан иш юритсангина муродига эришади.

Қолаверса, тадбиркор бўлмоқчи бўлган шахс ўқимишли ёки мансабдор бўлиши шарт эмас. Оддий ишчими, косибми, қўлидан келса, уддабурон бўлса, яъни имконияти етарли бўлса, тадбиркорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб олади. Зарурат пайдо бўлганда биз уларнинг ҳар қандай хизматига тайёрмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ**
**суҳбатлашди.**

· Мухбир бонг уради

# ОЛДИНИНГ БЕРДИСИНИ ҲАМ ЎЙЛАНГ-ДА, «ЁШУЛЛИ»

***Бемуболаға айтиш мумкинки, бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобсиз ва назоратсиз иш тутганнинг ҳолига вой. Ўнггу-сўлга қарамай, насияга мол олиб, мол сотганлар, жамоа мулкини дуч келганга тортиқ этиб, ҳисобидан адашганлар, пировардида ҳамёнидан айрилиб, бармоқ тишлаб қоладилар. Хоразм вилоятида ҳам бундай нусхалар анчагина топилди.***

«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги республикамиз Президенти қабул қилган Фармон юзасидан назорат тартибида ўтказилган текширишлар бу соҳадаги эгасизлик, ўзибўларчилик, ҳафсаласизлик ҳолатларини аниқ-равшан ошкор этди.

Аслини олганда, қарзга мол олиш ва мол бериш айб эмас. Аммо у иқтисодий барқарорлик, ижтимоий турмуш йўлларига тўсиқ солса-чи? Шундай экан, гап сўзнинг субутида, томонларнинг ваъдага вафо этиши, қарзни ўз муддатида узиши учун қилган саъй-ҳаракатларида. Таассуфки, кўриб-кузатишлар чоғида нафақат ўзгалар манфаати, балки ўз манфаатига чанг солганлар ҳам кўплаб учради. Чунончи, «Тадбиркорбанк»нинг Янгибозор туман бўлими бошқарувчиси Ю. Олламов, бош ҳисобчи Ш. Раҳимов, шу туман «Тижорат-деҳқончилик саноат банки» бошқарувчиси М. Абдукаримов маблағ етарли бўлишига қарамасдан, ўз мижозларининг тўлов ҳақидаги талабномаларини бажаришни ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солиб келганлар. Шовот туманидаги 297-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси, «Лавр» савдо бирлашмаси, 99-автокорхона бош ҳисобчилари Ш. Йўлдошев, Г. Мискинова, Б. Раҳимов, туман «Деҳқончилик саноат банки» бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Г. Дўсова, бош ҳисобчи Д. Дутколар эса ғазнада пул бўлса-да, мижозларнинг қарзини ундиришни беасос чўзиб келишган.

Қўшкўпир туманидаги 284-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна раҳбарлари, Хива туман Савдо-харид уюшмаси бошқаруви раиси Б. Матрасулов, Бош пилла қуритиш корхонаси директори Р. Матниёзов, Хўжаликлараро таъмирлаш-қурилиш ташкилоти раҳбари З. Рўзиматовлар ўз жамоаларига тегишли мол-бисотни сўраб келганларга ҳотамтойлик билан инъом қилиб юбораверишган, аммо бу жараёнда ҳосил бўлган қарзларни ундириш билан умуман қизиқиб ҳам кўришмаган. «Деҳқончиликсаноатбанк»нинг ана шу туманлардаги раҳбарлари эса бунга парво ҳам қилишмаган. Балки, уларга қарзлар ўз вақтида тўланмагани афзалдир. Ахир, ҳамма тўловлар белгиланган муддатда амалга ошаверса, «илтимосчи»ларни қайдан топишади?

Хулласи калом, вилоят прокуратураси юртбошимиз Фармонини бажаришга панжа орасидан қараётган бу сингари беомад «ҳотамтой»ларга нисбатан дастлабки чораларни қўллади. Биргина июль ойида қарздорлик бурчини унутиб қўйган корхона, хўжалик, ташкилот ва банк муассасаларининг 50 дан кўп раҳбари ва ҳисобот ходими турли даражадаги «хайфсан» ва жарималардан «баҳраманд» бўлишди. Президент Фармонини бажариш борасидаги саъй-ҳаракатлар бошланганидан буён жами 10 миллион сўмликдан зиёд қарзларни ундириш юзасидан тегишли хўжалик судларига арзномалар йўлланди.

Бироқ, муддао кимларнидир жазо ва жаримага мустаҳиқ этишдангина иборат эмас. Танланган ҳар бир жазо ва жариманинг замирида жамоаларнинг юз мингларча, миллионларча сўмлик камомади, етишмовчилиги ётибди. Зеро у тараққиёт йўлларини беркитаётган иллат саналади. Муддао ушбу иллатлардан тезроқ холос бўлиш. Акс ҳолда наинки ҳамёндан, балки кучқувват ва обрў-эътибордан ҳам ажралиб қолишингиз турган гап.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Нишон туманидаги «Самарқанд» жамоа-ширкат хўжалигидаги Холмат Очилов бошлиқ деҳқон фермерлари 45 гектар майдонда ғўза парваришлаш билан бирга 23 гектар майдонга экилган буғдойдан мўл ҳосил олишди.***

***СУРАТДА: деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Холмат Очилов.***

**Ф. БОЗОРОВ олган сурат.**

## «АЗИМ ДАРЁ» МАВЖЛАРИ

*Республика радиосининг халқ ижодиёти бўлими афғон ўзбеклари ижодига бағишланган эшиттириш тайёрлади. «Азим дарё» туркумидаги бу эшиттириш Афғонистонда ўзбек миллий қўшиқчилик санъатини асраб-авайлаб келаётган «Зафар» фольклор дастаси фаолиятига бағишланди. Дастанинг хушовоз хонандалари ижросидаги мавсум ва маросим қўшиқлари, қадимий халқ лапар ва алёрларида эзгу ният ва орзу истаклар тараннум этилади. Афғонистонлик фольклоршунос олим, профессор Файзулла Аймоқ бўлим ходимларига ана шундай қўшиқлар ёзилган тасмани ҳадя этди.*

The American Embassy is seeking candidates to fill vacant positions in the American Business Center (ABC), which will be established in Tashkent to provide logistical and organizational support to American businesses by promoting the marketing of US products. ***ABC Assistant Manager:*** the incumbent will perform administrative, fiscal, contact, supervisory, business facilitation and report preparation duties. Desired qualifications and skills: bachelor's degree plus 3 to 5 years of work experience in business administration, computer science, marketing or other related fields, thorough knowledge of PC software (Word Perfect for Windows, Lotus 123), fluent knowledge of Russian and/or Uzbek and English. ***ABC Clerk:*** the incumbent will provide specialized clerical, informational, communications and support services. Desired qualifications and skills: completion of business school or college, 2 years of clerical, secretarial, or library work experience in a commercial firm or government office, thorough knowledge of PC software (Word Perfect for Windows, Lotus 123), good typing skills, fluent knowledge of Russian and/or Uzbek and English. Both positions require excellent communications skills. ***Applications*** (forms are available in the Embassy) should be submitted within ten days from the date of the ad. Address: 82 Chilanzarskaya St., Tashkent.

*· Ёз — ўтмоқда соз*

## ҲАР КУНИ — ЗАВҚЛИ

***Икки томони ям-яшил далалар оралаб борсангиз кўкка бўй чўзиб турган алпқоматли дарахтларга дуч келасиз.***

Улкан чинорлар, қучоғингиз етмайдиган кўк тераклар, заранг қайрағочлар ажойиб манзара кашф этади. Яшил майсалар дилингизга завқ бағишлайди. Йўлакларда фаввoралардан отилиб турган сув эпкинидан кўнглингиз яйрайди. Избосканликлар «Янги қишлоқ» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган ушбу оромгоҳни «Кичик ўрмон» деб аташади. Ҳар йили избосканликларнинг юзлаб ўғил-қизлари ёзги таътилни шу гўшада ўтказадилар.

Тан олиш керак, ўтган йили оромгоҳда кўнгилчанлик, бош-бошдоқлик туфайли жиҳозлар талон-тарож қилинди. Теварак-атроф қаровсиз қолди. Оромгоҳга 17 йиллик педагогик тажрибага эга, тадбиркор Ўлжабек Қамчиев раҳбар этиб сайлангандан сўнг, бу ерда катта ўзгаришлар юз берди. Дарахтлар остига палаткалар тикилди.

Худди эртаклардагидек манзара пайдо бўлди. Тўғри-да, болаларнинг тасаввур оламида ўзгача таассурот пайдо бўлмас экан, улар завқланмайди-да. Бу йил ёзги таътилнинг дастлабки босқичида 360 нафар кичкинтой шу ерда дам олиб қайтишди. Айни пайтда эса 320 нафар ўғил-қиз ҳордиқ олмоқда.

— Оромгоҳ тарбиячиларини танлов билан ишга қабул қилганмиз, — дейди Ўлжабек Қамчиев, — энг аввало, уларда болаларга меҳр бўлмаса кичкинтойлар қалбига йўл топа олмайди.

**Г. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

PRESIDENT'S CUP · UZBEKISTAN · INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT

## «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

**Шу йил 26 августдан 3 сентябргача Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти Кубоги учун профессионал теннисчиларнинг Халқаро турнири ўтказилади.**

**Унда жаҳондаги энг кучли теннисчилар иштирок этишади.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Президент Кубоги» Халқаро теннис турнирига акредитация учун аризалар 24 августгача қабул қилинади (2х3 ҳажмдаги 2 та иложи бўлса, рангли фото зарур).

Мурожаат учун манзил: «Халқ сўзи» газетаси. Тел.: 33-15-22.

**«Президент Кубоги» турнирининг матбуот маркази.**

## Лицейга марҳамат!

**Самарқанд кооператив институти қошидаги Республика лицей-интернати 1995-1996 ўқув йили учун қабул эълон қилади.**

Лицей-интернатга қишлоқ мактабларининг тўққизинчи синфини "аъло" ва "яхши" баҳолар билан тугатган ўқувчилар қабул қилинади.

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўзбек тилида олиб борадилар.

Лицейга ўқувчиларни танлаш тест синовлари (суҳбат) асосида 26 августдан 30 августгача ўтказилади.

**Машғулотлар 1995 йилнинг 1 сентябрдан бошланади.**

*Лицейга қабул қилинган ўқувчилар ҳамма шароитлари мавжуд бўлган ётоқхона ва тўрт марта иссиқ овқат билан бепул таъминланади.*

**Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

- *лицей директори номига ота-оналари розиликлари кўрсатилган ариза;*
- *9 - синфни битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома;*
- *3х4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат;*
- *соғлиги тўғрисида у/86 тиббий маълумотнома.*

**Лицейда иқтисодиёт (бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг), молия ва кредит (солиқ ва солиқ солиш), табиий ихтисослаштирилган таълим берилади.**

**Манзил:**

*703000 Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9.*
*Лицейга ҳужжатлар институт ҳовлисидаги "Спорткомплекс" биносининг 1-қаватида олинади.*
**Телефон:** *33-38-72.*

## "Ўзбеккимёмаш" ОТҲЖ

*(Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 2)*

**ишлаб чиқаришга қабул қилади ва омборидан сотади:**

√ *ҳаво ва кимё газ турбокомпрессорлари, маҳсулдорлиги бир дақиқага 40 дан-500 кубометргача ва чиқишда юқори босими 1.06 дан-1. 8 кгс/см-кубометрга етиб боради.*
√ *вакуумлик ВВН1-25М1, сув ҳайдовчи 5К-65-50-150, Д-1250-65, кимёвий К80-65-220, НВ10-65*
√ *насосларини.*
√ *тиббий, бир ўринлик БЛКС-3-01 барокамералари, юрак касалликларини, газ билан заҳарланган ҳолда даволашда ишлатилади.*
√ *мева-сабзавот, гўшт консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун, тик тушган Б6-КАВ-2 автоклавларини.*
√ *даража алмаштириш махсус ва умумий аппаратларини, сувсизлантириш аппаратларини, стандартдан ташқари қора металлдан, зангламас ва титан қотишмаларидан маҳсулотлар тайёрлайди.*

**Телефон: (37171) 99–248.**
**Факс: 53–426.**

## «МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

«МУСТАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



**ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА АВТОМОБИЛЛАР, ТЕЛЕРАДИОАППАРАТУРАЛАР, МЕБЕЛЬ ТЎПЛАМЛАРИ, ЭЛЕКТРЖИҲОЗЛАР, КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.**

*Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.*

Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

*Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.*

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин

*33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.*

**СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!**

| | | | |
|---|---|---|---|
| МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНКИ | АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ |
| ЎЗБЕКСАВДО | | ЎЗБЕКБИРЛАШУВ | |

